

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

**“ТАРМОҚ ИҚТИСОДИЁТИ” фанидан  
маъруза матни**

Тузувчи: доцент Назарова Х.М.

Тошкент – 2011

# **1. МАВЗУ: “ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ” ФАНИНИНГ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**Режа:**

- 1.1. «Тармоқлар иқтисодиёти» фанининг объекти ва предмети**
- 1.2. Тармоқ тушунчасининг тавсифи**
- 1.3. «Тармоқлар иқтисодиёти» фанининг асосий вазифалари**

Ҳар қандай фан ўзининг ўрганиш объектига эга бўлади. Шундай объектнинг бўлиши у ёки бу фаннинг дунёга келиши, шаклланиши ва ривожланишининг муҳим шартидир. “Тармоқлар иқтисодиёти“ фани ҳам ўз объектига эга. Унинг объекти иқтисодиёт тармоқлари ҳисобланади. Шу боис энг аввало, ушбу фаннинг объекти ҳисобланган “тармоқ“ ҳақидаги тушунча билан танишиш зурурияти туғилади. Маълумки, халқ хўжалигини ташкил этувчи тармоқлар муайян белгиларга асосланган ҳолда ажратилади. Бу масалани саноат тармоқлари мисолида кўриш мақсадга мувофиқдир. Саноат тармоқлари қуйидаги кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда ажратилади. Булар: хом ашё бирлиги; ишлаб чиқарилган маҳсулотни қайси мақсадда ишлатилиши ва технологик бирлик.

Ҳар қандай фан каби “Тармоқ иқтисодиёти“ фани ҳам энг аввало, билиш вазифасини бажаради. Унинг асосий вазифаси ўқувчини иқтисодиёт тармоқларига тааллуқли иқтисодий билим ва кўникма билан қуроллантиришдан иборатдир. Бу фан, биринчидан, иқтисодиёт тармоқларидаги сир-асрорларини билиб олишга; иккинчидан, бу тармоқлар иқтисодиётида қўлланиладиган барча иқтисодий тушунчаларни тавсифлашга, улар реал иқтисодий воқеликнинг илмий инъикоси, ифода этилиши эканлигини билиб олишга ёрдам беради; учинчидан, ишлаб чиқариш санъатини эгаллаш бўйича билим ва кўникма беради. Демак, “Тармоқ иқтисоди“нинг билиш, назарий вазифалари билан унинг амалий вазифалари ҳам мавжуддир. Шу туфайли ҳар бир иқтисодчи мавжуд иқтисодий

кўрсаткичларнинг моҳияти ва аҳамиятини яхши тушуниши, уларни тўғри ҳисоблаш ва аниқлашни билиши, улар динамикасидан тегишли хулоса чиқариши керак бўлади.

“Тармоқ иқтисодиёти“ фанининг муҳим вазифаларидан бири – бу методологик вазифадир. “Тармоқ иқтисодиёти“ иқтисодий фанлар мажмуида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки барча иқтисодий методологик масалаларнинг илмий ва амалий талқини, энг аввало, иқтисодиёт тармоғида амалга оширилади. Билимнинг турли тармоқлари чегарасида туташган бир қатор фанлар, хусусан, Миллий иқтисодиёт, Саноат иқтисодиёти, Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти, Ноишлаб чиқариш иқтисодиёти фанлари тармоқ иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқ. Бу фаннинг вазифалари республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг объектив шароитлари, Ўзбекистон Давлати иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари ва бу ерда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни билан белгиланади. Улардан энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- мустақил ва қудратли давлат иқтисодий сиёсатининг моҳияти ва мақсадини тушунган ҳолда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларида бу сиёсатни амалга оширишнинг йўл-йўриқларини тўла англаш;
- иқтисодиёт тармоқларининг ҳолати ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш, таҳлил этишни билиш;
- иқтисодиёт тармоқларини ташкил этиш, бошқариш, самарадорлигини оширишнинг илмий ва амалий асосларини аниқлаш бўйича билим ва кўникма бериш;
- саноат ресурслари, ишлаб чиқариш фондлари ва қувватларидан оқилона фойдаланиш;
- фан-техника тараққиётининг иқтисодий аҳамияти ва моҳиятини таҳлил этиш, сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқаришнинг фойдалилигини кучайтириш санъатини эгаллашга ёрдам берадиган билим ва кўникма бериш. Шу билан бирга бу фаннинг вазифаси

ноишлаб чиқариш тармоқ таркибининг моҳиятини, аҳамиятини ҳамда ишлаб чиқариш тармоқлари билан ўзаро боғлиқлигини тушунтириб беришдан ҳам иборат.

## **2. МАВЗУ: ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА МАЖМУА ИҚТИСОДИЁТИ**

### **Режа:**

- 1. Иқтисодиётнинг ривожланишида ёқилғи-энергетика мажмуа тармоқларининг тутган ўрни**
- 2. Ёқилғи турлари, уларнинг ривожланиши ва жойланиши**
- 3. Электр энергетика саноати. Энг йирик электр станциялар**

**Ёқилғи-энергетика мажмуа тармоғи** Ўзбекистон халқ хўжалигининг таркиби қисми бўлиб ёқилғи саноатини ҳамда электроэнергия ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришини ўз ичига олади. Республикада йирик ёқилғи энергетика мажмуаси таркиб топган. Ёқилғи-энергетика саноати турли ёқилғиларни (нефть, газ, кўмир ва бошқалар) ва электр энергетика (Иссиқлик, гидро электр энергетикаси) тармоқларини ўзида бирлаштиради.

Ёқилғи энергетика саноат тармоғининг ишлаб чиқаришдаги улуши 20 фоиздан ортиқни ташкил этади . Республика ёқилғи саноати 1 асрлик тарихга эга. Ёқилғи саноати ер бағридан қазиб олинаётган кўмир, нефть ва табиий газ конлари негизида шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Хозирги кунда республикада 159 та саноат аҳамиятига эга бўлган нефть ва газ конлари очилган. Улар куйидагича жойлашган. 115 таси Бухоро-Хива геологик провинциясида; 27 таси Фарғона водийсида; 10 таси Сурхондарёда; 17 таси Устюрт платосида. Хозирги кунда 71 та нефть, газ ва газ конденцати конлари, 2 та кўмир конидан фойдаланилмоқда. 49 та нефть ва газ конденцат кони ишга тушириш учун тайёрлаб қўйилган.

Бирламчи энергия ресурслари-нефть, газ, кўмирнинг мамлакатда ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳажми доимо ўсиб бормоқда. Ғоят муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган нефть, табиий газ бўйича 155 та истиқболи конлар мавжуд. Нефть ва газ ресурсларининг захиралари 1 трлн АҚШ долларига баҳоланган. Ёқилғи энергетика саноат тармоқ таркибига газ,

нефть ва нефтни қайта ишлаш, кўмир ва энергетика киради. Ёқилғи энергетика мажмуасининг асосий тармоғини ёқилғи станциялари ташкил этади. Ёқилғи саноати барча турдаги ёқилғини қазиб олиш, табиий газни тозалаш ва етказиб бериш ҳамда нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат. Ёқилғи саноатининг йирик корхоналарини Тошкент, Фарғона, Бухоро Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган.

Ёқилғи саноатининг ривожланганлик даражасига биноан Қашқадарё (вилоят жами саноат маҳсулотининг 62%), Фарғона (40%) ва Бухоро (40%) в'илоятлари кескин ажралиб туради. Шу вақтнинг ўзида ёқилғи саноати Навоий вилоятида умуман ривожланмаган, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида деярли ривожланмаган ёки жуда бўш ривожланган. Ёқилғи балансида газнинг хиссаси 85 фоиз. 10 фоиз нефть ва 5 фоиз кўмир ташкил этади.

XX асрнинг 1-чи ярмида асосий энергетика воситаси сифатида кўмирдан фойдаланилган. Бу даврда ёқилғи-энергетика балансида кўмирнинг улуши 80 фоизга яқин бўлган. 1950 йилларда эса бу кўрсаткич 55 фоизга тушди. XX асрнинг 2-чи ярмидан бошлаб жаҳоннинг ёқилғи-энергетика балансида нефть-газ даври бошланди. Бунинг асосий сабаби 1-чидан нефть ва газнинг қаттиқ ёқилғи турларига, жумладан кўмирга нисбатан энг самарали энергия воситаси эканлиги, 2-чидан нефть ва газнинг кўп йўналишли универсал эканлиги, шу билан бирга экологик жиҳатдан тоза энергетика воситаси эканлиги, 3-чидан қазиб чиқариш районларидан асосий истеъмолчи ҳудудларга уларни ташишнинг нисбатан қулайлиги бўлди.

Жаҳон энергетикаси 80-чи йилларнинг бошларидан ўз тараққиётининг учинчи даврига қадам қўйди. Бу даврда асосан тугамайдиган ва айрим ўрни тикланадиган ресурслардан энергия воситаси сифатида кенгрок фойдаланишга ўта бошлади. Бухоро вилоятида газли кони захираларининг йилдан-йилга камайиши ва Қашқадарёдаги Шўртон газ кони ишга туширилиши натижасида Бухоро вилояти газ қазиб чиқариш бўйича Қашқадарё, Қорақалпоғистондан кейинги учинчи ўринга тушиб қолди.

Хозирги кунда унга республикада казиб олинган газнинг 1,3 фоизи тўғри келади. Қашқадарёда Кўкдумалоқ нефть-газ конденсат конининг очилиши ва ишга туширилиши билан Бухорода республикадаги учунчи нефтни қайта ишлаш заводи Франция билан ҳамкорликда Қоровулбозор шахрида ишга туширилди. Корхона юқори октанли бензин, керосин, дизель ёнилғиси, мотор мойларига қўшилмалар, енгил автомашиналар учун мотор ва сурков мойлари ва бошқа маҳсулотлар ишлб чиқаради.

Ўзбекистон ёқилғиэнергетика ресурсларига бой. Ўзбекистон ўзининг эхтиёжларини тўла қондириш муҳим бўлган электроэнергетика тизимига эга. Республика ҳудудида юқори қувватга эга бўлган 7 та ИЭС ҳамда ГЭС ллари Республикада ягона электрон узатиш тизими барпо этилган. Давлатлоараро шартномалар асосида Қирғистон. Тожикистон ва Қозоқистон мамлакатлари билан электрэнергияни экспорт-импорт қилиш бўйича алоқалар мавжуд.

Энергия балансини ҳисоблаш учун барча энергия ёқилғи турлари шартли ёқилғига айлантирилади. Шартли ёқилғи бирлигидан ёқилғининг турли хиллари умумий ҳисобда қанча сарфлангани таққослаш учун фойдаланилади. Ёқилғи баланси тузилаётганда турли ёқилғилар ҳисобга олинади(гидроэнергиядан ташқари). Шартли ёқилғи бирлиги - иссиқлик бериш қобилияти 7000ккал/кг.га тенг ёқилғи шартли ёқилғи бирлиги деб қабул қилинган. 1 тонна шартли ёқилғи - 690 кг.дан ортиқроқ дизел ёқилғисига, 730 кг. Мазутга, 850 куб метрдан ортиқ газга, сифати ўртача бўлган 1,4 тоннадан ортиқ кўмирга, 1,7 тонна брекет қилинган торфга, 3 тоннадан ортиқ сланецга тенг. Ёқилғининг энергетика баланси-1 йилда мамлакат ҳудудидаги ёқилғи ва энергиянинг кирим-чиқим нисбати

**Газ саноати.** Ўзбекистонда газ саноатининг истиқболлари катта. Газ саноати ёқилғи энергетика мажмуасининг энг ривожланган тармоғи. Унинг ёқилғи балансидаги улуши 85 фоиздан ортиқнини ташкил этади. Ўзбекистон жаҳондаги ўнта йирик газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қарорига киради. Ёқилғи саноатининг энг ёш ҳамда жуда арзон тури ҳисобланади. Газ саноати кейинги йилларда тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Газдан

саноатда ҳам, аҳолининг рўзғорида ҳам фойдаланилади. Газ кимё саноатининг қимматбаҳо хом-ашёси бўлиб ҳам ҳисобланади. Ёқилғининг бошқа турларидан фарқ қилган ҳолда у хавони энг кам ифлослантиради.

Ўзбекистонда табиий газнинг захираси тошқўмир ва нефтга қараганда анча кўп. 1997 йил маълумотига кўра аниқланган газ захиралари 2 трлн. куб.м. га яқин. Газ конлари одатда нефт конларига яқин жойда жойлашган. Республикада 1944-45 йиллардан бошлаб газ саноати вужудга кела бошлади. Шу йиллардан бошлаб Фарона водийсининг айрим нефт конларида нефть билан бирга учрайдиган йўлдош газдан саноатда ва аҳолининг кундалик эҳтиёжларида фойдалинила бошланди. Андижон ва Фарғона шаҳарларида дастлабки газ қувурлари ишга туширилди. Агар 40-йилларнинг иккинчи ярмида йилига 9 млн. куб.м. табиий газ қазиб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилда 60,1 млрд. куб.м.га етди. Газ қазиб чиқаришнинг бундай ўсиши асосан Бухоро-Хева геологик провинциясидаги (Ҳисор тоғлари этаклари билан) йирик табиий газ захираларининг топилиши ва фойдаланилиши билан боғлиқдир. Эндиликда Устюрт плотаси газ ресурслари тўпланган минтақа ҳисобланади. Кейинчалик Фарғона водийсидан ташқари Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё водийларида ҳам жуда бой табиий газ конлари топилиши муносабати билан Ўзбекистон ўз эҳтиёжидан ташқари чет давлатларга, жумладан Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларига чиқармоқда.

Газни қувурлар орқали ташиш ҳар қандай ёқилғини ташишдан арзон тушади. Дастлабки газ қувури Фарғона водийсида қурилган. Икки тармоқли Бухоро-Урал, Ўзбекистон-Россия ҳамда Бухоро-Тошкент-Бишкек-Олмаота қувурлари газ ташиладиган энг асосий қувурлар ҳисобланади. Маълумки, Ўзбекистонда ёз узоқ давом этади. Шу сабабли газ анча кам сарфланади. Газни кўп истеъмол қиладиган Тошкент Фарғона Андижон шаҳарларида тежалган газни қишда фойдаланиш учун шаҳар яқинидаги ерости омборларига йиғиб қуйилади. Газга бўлган талаб кимё, элекстр-энергия ҳамда коммунал хўжаликда тобора кўпроқ ортиб бормоқда. Шунинг учун



хам ушбу ёқилғи туридан тежаб тергаб фойдаланиш талаб этилади.

Мамлакатда қазиб чиқарилаётган газнинг 97 фоизи Қашқадарё вилоятига тўғри келади. Шу асосда минтақада Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртонда газ мажмуаси қурилди, олтингугурти озроқ табиий газни энергетика эҳтиёжлари учун узатиш мақсадида Шўртон-Сирдарё-Тошкент газ қузури ишга туширилди. Устюрт платосининг шарқий қисмида саноат аҳамиятига эга бўлган газ захиралари топилди. Газ конларидан Шохпахта, Қуваниш, Ақшолақ, Урга конлари мавжуд

Ҳозирги кунда Муборак газни қайта ишлаш мажмуасида кимё саноати учун асосий хом ашё бўлган сульфат кислотаси ва қишлоқ хўжалик ўсимликларини касаллик ва зараркунандалардан кимёвий ҳимоя қилишда қўлланиладиган олтингугурт кукуни ишлаб чиқарилади. Жаҳонда газ саноатининг ёқилғи-энергетика балансидаги хиссаси 20 фоизни ташкил этади. Ҳозирги вақтда табиий газ захиралари ҳажмига кўра жаҳонда Россия, Эрон, Туркменистон давлатлари етакчилик қилади. Газни қазиб чиқаришда эса Россия, АҚШ. Канада, Нидерландия ва Ўзбекистон давлатларининг кўрсаткичлари юқори. Жаҳонда газни экспорт қилиш ҳажмига кўра Россия, Нидерландия, Канада, Индонезия ва Жазоир давлатлари олдинда туради. Умуман жаҳонда жами қазиб чиқарилаётган газнинг 15 фоизи ташқи бозорга чиқарилмоқда. Газни импорт қилиш бўйича Германия. АҚШ. Япония, Франция ва Италия давлатлари ажралиб туради.

**Нефть саноати.** Ёқилғи-энергетика тармоқларининг етакчисидир У нафақат кўп қиррали энергетика ресурси балки у органик синтез кимёсининг асосий хомашёси ҳамдир. Шу сабабли унинг сиёсий стратегик аҳамияти катта. Ҳозирги кунда барча давлатлар иқтисодиётини нефтсиз тасаввур қилиш қийин. Нефть хом ҳолида ишлатилмайди. Уни қайта ишлаш натижасида 100 дан ортиқ маҳсулотлар олинади. Жумладан турли хил ёқилғилар олинади. Нефтни қайта ишлашдан чиққан қорамой-мазут электр станцияларида ёқилғи сифатида фойдаланилади. Нефтни қазиб чиқариш харажати кўмирни қазиб чиқариш ҳажмига нисбатан 4 баробар кам.

Иқтисодийнинг турли тармоқларида нефтдан фойдаланиш жуда кўп маблағни тежашга имкон беради. Нефтнинг таннари унинг қандай чуқурликдан қазиб чиқарилаётганлигига кўра, кондан кўп нефт олиш мумкинлиги кўпроқ таъсир кўрсатади. Нефтни қазиб олишнинг энг арзон усули фантон усули бўлиб, бунда нефть буруғ қудуқларидан нефть газнинг босими остида кўтарилиб чиқади. Босим аста-секин камаяди ва уни турли усуллар билан кўтариб турилади. Ўз навбатида нефтни насослар ёрдамида қазиб чиқариш ҳам йўлга қуйилган. Фарғона водийсидан республикада қазиб чиқарилган нефтнинг 2,1 фоизи олинмоқда. Нефть асосан Чимён, Андижон, Полвонтош, Жанубий Оламушук каби конлардан олинмоқда. Айрим нефть конларидаги захираларнинг камайиши натижасида нефть қазиб олиш камаймоқда. Қазиб олинган нефть Олтиариқ ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларига юборилади. Янги нефть конларини топиш учун чуқур қудуқлар ўзлаштирилмоқда. Хўжабодда йирик ер ости газ омбори мавжуд.

Жанубий минтақада 7 млн. тоннадан ортиқ нефть қазиб чиқарилди. Бу кўрсаткич республикада қазиб чиқарилган нефтнинг 97 фоизини ташкил этади. Илгарилари нефть асосан қазиб чиқариладиган ҳудудларда қайта ишланган. Ҳозирги кунга келиб эса нефтни қайта ишлаш саноатини нефть маҳсулотларини истеъмол қилувчи районларда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бундай жойлаштириш транспорт харажатларини камайтиради. Чунки бундай қилинмаса, нефть маҳсулотларининг ҳар бир турини юбориш учун алоҳида қувурлар керак бўлган бўлар эди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, худди газ сингари нефтни ҳам қувурлар орқали юбориш уни ташишнинг энг арзон ва хавфсиз усулидир. Масалан, нефтни қувурлар орқали ташиш темир йўлга ташишга нисбатан 4 баробар арзонга тушади. Қувурлар нефтни истеъмолчиларга бир меъёردа етказиб беришни таъминлайди ва ҳар хил исрофгарчиликларни олдини олади.

2008 йилда Ўзбекистонда 5.4 млн тонна нефть қазиб чиқарилди. Қазиб чиқарилаётган нефть асосан Фарғона ҳамда Олтиариқ нефтни қайта ишлаш корхоналарида қайта ишланади. Сурхондарё вилоятининг Жарқурғон нефть

конида олинаётган нефтнинг сифати паст бўлганлиги учун яъни унинг таркибида қорамой ҳамда парафин миқдори кўп бўлганлиги учун ундан асосан йўл қурилишида фойдаланиб келинган эди. Бироқ Россия давлати билан ҳамкорликда қурилган Жарқурғон нефтни қайта ишлаш корхонаси нефтни қайта ишлаш асосида олтингугурт ишлаб чиқармоқда.

Мамлакатимизда нефтга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ҳисобига Бухоро вилоятининг Қоровулбозор шаҳри яқинида нефтни қайта ишлаш корхонаси қурилди. У йилига 5 млн. тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга Ушбу корхона 1997 йилдан бошлаб маҳсулот бера бошлади.

Ҳозир кунда жаҳоннинг 80 дан ортиқ мамлакатларида нефть қазиб чиқарилмоқда. Жаҳон нефть захираларининг 86 фоизи ва қазиб чиқарилаётган нефтнинг салкам 52 фоизи ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. 1997 йилда жаҳон бўйича 3,5 млрд.т. нефть қазиб чиқарилган бўлса, бу рақам 2002 йилда 3,8 млрд.т.га етди.

Жаҳонда нефтни қазиб чиқариш ва экспорт қилишда ОПЕК (унга 13та мамлакат аъзо) мамлакатлари муҳим рол ўйнамоқда. Нефтнинг экспорт қиливчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК)га аъзо мамлакатларга Жазоир, Ливия, Ироқ, Қуваейт, Қатор Саудия Арабистони, БАА, Индонезия, Нигерия, Габон, Венесуэла Эквадор давлатлари киради.

Ҳозирги пайтда ОПЕК га аъзо мамлакатлар гуруҳи жаҳонда аниқланган нефть захираларининг 77 фоизига, қазиб чиқарилаётган нефтнинг эса салкам 46 фоизига эгаллик қилмоқда. Жаҳонда нефтга энг бой ҳудуд Форс қўлтиғи соҳилида жойлашган мамлакатлар ҳисобланади. Бу мамлакатларга жаҳон нефт захираларининг учдан икки қисмидан ортиғи тўпланган ва улар қазиб чиқарилаётган нефтнинг 25 фоиздан кўпроғини бермоқда.

**Кўмир саноати.** Ўзбекистоннинг кўмир захиралари унчалик катта эмас. Ўзбекистонда кўмирни саноат усулида қазиб олиш 1930 йилларнинг охиридан бошланган. Кўмир Тошкент вилоятининг Оҳангорон водийсидаги Ангрэн кўнғир конидан ҳамда Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманидаги Шарғун ва Бойсун конларидан қазиб чиқарилаётган кўмирнинг

сифати юқори. Шарғун конидаги кўмир 17 км. узун осма йўл(сим) орқали темир йўлга етказиб берилади. Сурхондарё вилояти республикада қазиб чиқарилган кўмирнинг 3 фоизга яқинини беради. Кейинги йилларда кўмир захираларининг камайиб бориши ҳамда чуқур жойлашган қатламларни ўзлаштирилишидаги қийинчиликлар сабабли кўмир қазиб чиқариш 220 минг тоннадан 76 минг тоннага тушди. Кўмирни ер бағридан қазиб олиш қимматга тушса ҳам бундай усулда кўмирни қазиб чиқариш ўзига хос аҳамиятга эга. Ўзбекистонда кўмир захираси 2 трлн. тоннани ташкил этади. 2008 йилда республикада 2,7 млн. тонна кўмир қазиб чиқарилди. Ангрен кўнғир кўмир кони захиралари анча катта ҳамда истеъмолчига яқин. Бу кондаги кўмирнинг асосий қисми кон яқинидаги ангрен ГРЭСида ёқилиб ундан электр қуввати олинади. Кўмирнинг маълум бир қисми конда катта босим орқали газга айлантирилади. Оҳангарон кўмир қатламли юзада жойлашган. Кўмирнинг сифати паст, лекин таннархи арзон. Бу кон Ўзбекистоннинг биринчи «кўраҳона»си ҳисобланади. Республикада қазиб чиқарилаётган кўмирнинг 98 фоизи тўғри келади. Бу кўмир кони республиканинг Тошкент, Олмалик, Охангарон, Чирчиқ каби саноат марказларидаги заводларда ҳамда электр станцияларида ишлатилади. Кейинги йилларда кўмир захираларининг камайиб бориши натижасида кўмир қазиб чиқариш камайиб бормоқда. Масалан, 1990 йилда Ангрен кўмир конидан 6,2 млн. тонна кўнғир кўмир қазиб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилда 2,7 млн. тоннани ташкил этди. Ваҳоланки, мамлакатимиз иқтисодиётида ҳар йили 8-9 млн.тонна кўмир истеъмол қилинади.

Жаҳонда кўмир саноати энегетикаси таркибида алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли тобора энергетик кўмир қазиб чиқаришга эҳтиёж кучайиб бормоқда. Бу тармоқ 60 дан ортиқ мамлакатларда мавжуд бўлиб, кўпроқ ривожланган мамлакатларда катта салмоқга эга. Хозирги вақтда қазиб чиқарилаётган кўмирнинг асосий истеъмолчиси иссиқлик электр станциялари ҳисобланади. Сўнги йилларда қазиб чиқарилаётган кўмирнинг 8 фоизигина экспортга чиқарилмоқда. Жаҳон кўмир захираларининг асосий

қисми Россия, АҚШ, Хитой, Германия ва Қозғистон хуудларида жойлашган. Кўмирни қазиб чиқариш бўйича, Хитой, АҚШ, Германия давлатлари етакчилик қилади. Бу давлатлар жаҳонда қазиб чиқарилаётган кўмирнинг 50 фоизини бермоқда. Кўмирни импорт қилишда Япония алоҳида ажралиб туради, у йилига 110 млн.т. гача кўмир сотиб олмақда.

**Электрэнергетика саноати.** Энергетика - саноатнинг етакчи тармоғи ҳисобланади. Ўрта Осиёдаги энг йирик қувватга эга бўлган Тошкент (1860 МВт) ва Янги Ангрен (1800 МВт) ГРЭС (давлат район электр станцияси)лари асосан Жанубий минтақадан келтирилган табиий газ билан ишлайди. Янги Ангрен ГРЭС (қисман) Ангрен кўнғир кўмири ҳисобига электр энергия ишлаб чиқаради. Унинг лойиҳа қуввати 2400 МВт бўлиб, қурилиши давом этмоқда. Ангрен (қуввати 484 МВт) ГРЭСи кўнғир кўмир ҳисобига ишлайди. Шунингдек, қуввати 30 МВт эга бўлган Тошкент иссиқлик электр маркази мавжуд. Йирик электр станцияларининг қурилиши миллий иқтисодиётни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди. Тошкент минтақаси республикадаги асосий электр энергия берувчи Сирдарё, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси орасида биринчи ўринда туради.

Тоғлардан бошланадиган дарёлардан арзон электр энергия олишда фойдаланилади. Чирчиқ-Бўзсув поғонали каскадида 19 та ГЭС қурилган. 2008 йилда республикада ишлаб чиқарилган 50 млрд. квт.соат электр қувватининг ярмига яқинини Тошкент минтақаси берди. Республикада электроэнергия ишлаб чиқариш учун дарёларнинг гидроэнергетика ресурсларидан кенг фойдаланилмоқда. Дарёлар тезоқарлиги сабабли уларда оралиғи бир-бирига яқин бўлган ГЭСлар қурилди. Масалан, Ғазалкент (қуввати 120 МВт), Хўжакент (қуввати 165 МВт) ва Чорвоқ (қуввати 620,5 МВт) ГЭСларини кўрсатиш мумкин. Чирчиқ-Бўзсув поғонали шаршараси энг йирик энергетика иншооти бўлиб, унда республикадаги 27 та ГЭСдан 19 таси жойлашган. Фарғона водийсидаги энг йирик электр станция Қувасой ГРЭСдир. Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон шаҳарларида иссиқлик

электр станциялари, Шахрихонсой, Намангансой дарёларида гидроэлектр станциялар қурилган. Зарафшон минтақа электр энергия ишлаб чиқариш бўйича Тошкент, Мирзачўл минтақаларидан сўнг учинчи ўринда туради. Асосий электр энергияни газ билан ишлайдиган Навоий ГРЭСи(қуввати 1250 МВт) беради. Шунингдек, Хишров ГЭС бор.

Мамлакат миқёсига эга бўлган, Шўртон табиий газ негизида ишлайдиган йирик Сирдарё ГРЭСи (Ширин шаҳри) қурилган. Ушбу иссиқлик электр станцияси 3000 МВт қувватга эга. Шунингдек, Сирдарёда 126 МВт қувватга эга бўлган Фарход ГЭСи қурилган. Қуйи Амударё минтақасида табиий газ негизида ишлайдиган Тахиатош ГРЭС (қуввати 730 МВт) ҳамда Туямўйин ГЭС жойлашган. Тахиатош станцияси республикадаги энг йирик электр станцияларидан ҳисобланади. Жанубий минтақа ёқилғи саноатига эга бўлишига қарамай электроэнергетика саноати яхши ривожланмаган. Қашқадарёда газ билан ишлайдиган йирик Толимаржон ГРЭС тўлиқ ишга туширилиши билан электр энергия ишлаб чиқариш ортади.

Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун электрэнергия ишлаб чиқаришни бошқа тармоқларга нисбатан тезроқ ўстириш талаб этилади. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган электрэнергиянинг 80 фоиздан ортиғи иссиқлик электр станцияларига тўғри келади.

### **3. Мавзу: Металлургия саноати тармоқлари**

#### **Режа:**

- 1. Metallургия саноати тармоқлари ва унинг маҳаллий минерал хом ашё ресурслари негизида ривожланиши.**
- 2. Тармоқнинг ҳудудий жойланишига таъсир этувчи омиллар.**
- 3. Асосий металлургия марказлари.**
- 4. Олтин қазиб олиш саноатининг ривожланиши ва унинг жойланиши.**

Металлургия саноат иккига бўлинади. Булар қора ва рангли металлургия. Қора металлургия соҳасида фаолият кўрсатадиган ягона корхона Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия заводидир. Заводда қора металлургия маҳсулотларининг энг муҳим турлари (пўлат ва пўлат прокатлар) ишлаб чиқарилади. Улар темир-терсак, металл чиқиндиларидан олинади. Мамлакатимиз ўзининг қора металлургия саноатига ҳам эга, аммо унинг республика иқтисодиётидаги ўрни унчалик катта эмас. Бекобод шаҳрида қурилган қора металлургия комбинати асосан темиртерсакларни қайта ишлаш орқали маҳсулот чиқаради ва маҳаллий эҳтиёжни тўла қондирмайди. Мазкур корхона асосан пўлат, прокат, турли хил трубалар ишлаб чиқаради.

Рангли металлургия – республика металлургиясининг энг муҳим, етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Саноатнинг бу тури Ўзбекистонда 20 аснинг 25-йилларидан ривожлана бошлади. Аста-секин рангли, нодир ва қимматбаҳо металл (мис, кўрғошин, рух, волфрам, молибден, кумуш, олтин, симоб) конлари топилди. Рангли металлургия тармоғи бошқа саноат тармоқларига нисбатан хом ашё базасига боғлиқлиги билан кескин ажралиб туради. Шунинг учун ҳам ушбу тармоқ фақат Навоий ва Тошкент вилоятлари учун аҳамиятга эга.

Олтин қазиб олиш саноати. Туғма (эркин учрайдиган) олтин

конларини ўзлаштиришга қадар олтин асосан сочма конларда жуда ибтидоий усулларда олтин зарралари ажратиб олинган. 1941-45 йилларда олтин изловчилик (артел) йўли билан олтин ажратиб олиш жадал олиб борилди, олинган йиллик олтин миқдори қарийб 50 кг га етди. 1950 йилда сочма олтин излаш ишлари тўхтатилди. Рудали олтин излаш ва қидирув бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қорақўтон, Бичанзор, Пирмуроб, Ғўсаксой, сўнгра Кўчбулоқ, Мурунгов, Чормитон, Маржонбулоқ, Каулди, Қизилломалисой, Сармич ва бошқа рудали олтин конлари топилди. 1970 йил Чодак олтин кони ишга туширилди. Ўша вақтдан республикада олтин қазиб олиш саноати шаклланди, олтин олиш олдинги йилларга нисбатан уч марта кўпайди. 1972 йилда Кўчбулоқ кони ва Ангрэн олтин ажратиш фабрикаси лойиҳа қувватларида ишлай бошлади. 1977 йил Каулди, 1980 йил Маржонбулоқ олтин қазиб олиш мажмуи, 1989 йил Зарафшон ва Қизилломалисой конлари фойдаланишга топширилди.

Республикада олтин қазиб олиш саноатининг иккинчи йирик маркази – Навоий кон металлургия комбинатидир. Комбинат Мурунгов ва бошқа олтин конларини ишга тушириш мақсадида 1958 йилдан бошлаб қурила бошлаган. Унинг асосий ишлаб чиқариш қувватлари Зафаробод, Нуробод, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида жойлашган. Янги қувватларни ишга тушириш жадал олиб борилмоқда. Зарафшонда 1993 йилда ташкил этилган олтин қазиб олиш бўйича Ўзбекистон-АҚШ «Зарафшон-Ньюмонт» кўшма корхонаси 1995 йилнинг май ойидан маҳсулот бера бошлади.

Республикада 40 та олтин кони аниқланган бўлиб, ҳозир бу конларнинг фақат 12 таси қазилмоқда. Олтиннинг асосий захиралари Марказий Қизилқумдаги олтин конларида мужассам. Шу билан бирга ўзбек олтини жаҳоннинг энг юқори сифат стандартларига мос бўлиб, тўртта тўққиз рақами билан баҳоланади ва у охириги 20 йилда рекламация олгани йўқ. Сўнгги йилларда у сифати учун бир неча бор халқаро совринлар билан тақдирланди.

Евроосиё континентида энг катта ҳисобланадиган, руда таркибида олтин кўп бўлган Мурунгов кони дунёдаги гигантлар жумласига киради.



Ушбу коннинг топилиши халқаро геология жамоатчилиги томонидан олтин қазиб чиқариш бўйича XX аср иккинчи ярмининг энг катта кашфиёти деб эътироф этилди. Мурунговдаги аффинит корхонасида замонавий олтин тозалаш технологияси жорий этилган бўлиб, у бир қанча ноу-хауни ўз ичига олади. Бу эса жуда яхши товар кўринишига эга бўлган юқори пробали олтин олиш имкониятини беради.

Ҳозирги Ўзбекистоннинг олтин захиралари дунёнинг энг машҳур ва ишончли банкларида сақланмоқда. Улар орасида немис «Дойче банк»и ва Швейцариянинг «ЮБС» банки бор. Республика ҳукумати катта даромад олиш учун бу олтинни маълум вақтга валютага айлантормоқда. Олтин захираларини гаровга олиб, Ўзбекистонга стратегик иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун кредитлар ажратилмоқда. Ўзбекистон олтин қазиб чиқариш бўйича дунёда еттинчи ўринга, МДХ да эса иккинчи (Россиядан кейин) ўринни эгаллайди. Аҳоли жон бошига олтин ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Ўзбекистон МДХда биринчи ва дунёда бешинчи ўринда туради.

Республика кумуш конларига ҳам эга. Булар Навоий вилоятидаги Високоволное, Ўқжетпес, Космоначи ва Наманган вилоятидаги Оқтепа конларидир. Катта миқдордаги тасдиқланган захиралар олтин ва мис-порфир конларида мавжуд. Оқтепа кони кумуш қазиб чиқариш бўйича энг истиқболли ва чет эллик инвесторлар учун жозибали кондир.

Ўзбекистонда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш билан бир қаторда уран ҳам қазиб олинади. Уни олиш учун минерал хомашё базаси мавжуд. Уран энг самарали ва экология нуқтаи назаридан оптимал ҳисобланган усул - ер остида ишқорлар ювиш усули билан олинади.

Мис, қўрғошин-руҳ саноати асосан Оҳонгарон-Олмалик кон саноати районида Қўрғошинкон-Олтинтопган полиметалл конлари, Қалмоққир мис конлари негизида шакллана бошлаган. Ушбу саноат тармоғининг етакчи корхонаси тугал металлургия циклига эга бўлган Олмалик кон металлургия комбинати ҳисобланади. Комбинатнинг мис мажмуаси Қалмоққир мис кони, руда бойитиш фабрикаси, металлургия заводидан, қўрғошин - руҳ мажмуаси

Қўрғошинкон, Олтинтопган, Чалага ва бошқа конлар, руда бойитиш фабрикаси, металлургия заводларини ўз ичига олади. Улар асосан тозаланган мисни экспорт қилмоқда. Ҳар йили бир неча ўн минг тонна мис ишлаб чиқараётган Ўзбекистон мис захиралари бўйича 10-ўринда туради. Руда конидаги рангли металллар қатламлари асосан Тошкент вилоятининг Олмалик рудали майдонида жойлашган. Бу ердаги учта конда бир неча мис захиралари бор деб тахмин қилинмоқ. Бундан ташқари, Далнее кони разведка қилинган. Захираларнинг катталиги, қазиб чиқариш таннарни, рудадаги миснинг таркиби жиҳатидан МДХ мамлакатларида ҳали унга тенг келадиган кон йўқ.

Вольфрам, молибден, литий саноатининг йирик корхонаси Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўта чидамли Чирчиқ металл комбинати ҳисобланади. Комбинат ингичка вольфрам (Самарқанд) ва Қуйтош вольфрам, молибден (Жиззах) конлари рудалари ҳамда мис рудаларидан ажратиб олинган молибден негизида ишлайди. Комбинатда биринчи молибден қуйилмаси 1956 йили олинган. 1957 йилдан эса қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бошланган. Комбинат маҳсулотлари (100 турдан ортиқ) электротехника, пўлат эритиш, кон бурғилаш соҳаларида кенг қўлланилади.

Республикада яна бир қатор нодир ва сочма металллар – рений, селен, теллур, скандийлар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда рангли металлларнинг иккиламчи қуйилмаларини олиш йўлга қўйилган. Алюминий парчаларини қайтадан эритиб, йилига бир неча ўн минг тонна иккиламчи алюминий халқ хўжалигига етказиб берилмоқда.

Рангли металллар сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини интенсивлаштириш, турли фойдали қазилмаларнинг янги конларини ўзлаштириш ҳисобига рангли металлургия ишлаб чиқаришини ривожлантириш мўлжалланмоқда. Хусусан, Жиззах вилоятида Ўзқулоқ қўрғошин-руҳ кони, Сурхондарё вилоятида Хонризм кон бойитиш корхонаси қурилиши режалаштирилган. Олмалик кон-металлургия комбинатида мис, руҳ, сульфат кислотаси ва йўлдош элементларни ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Ўзбекистон комбинатида йирик гобаритли молибден ва

волфрам прокати ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш  
мўлжалланмоқда.

## **4. МАВЗУ: МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ**

**Режа:**

- 1. Машинасозлик тармоқларининг халқ хўжалигида тутган ўрни**
- 2. Республика иқтисодиёти учун янги бўлган машинасозлик тармоқлари.**
- 3. Автомобиль саноатининг шаклланиши ва ривожланиши.**
- 4. Машинасозлик тармоғи жойлашган йирик марказлар.**

Ўзбекистон саноатида машинасозлик саноати ўзига хос ўринни эгаллайди. Бу саноат тармоғига мансуб бўлган корхоналарда хилмахил машина ва механизмлар, асбобукуналар тайёрланади. Улар қаторида пахта терувчи машиналар, ерга уруғ қадайдиган, тўқувийгирув, суғориш машиналари, турли хил станоклар, телевизор ва магнитофон каби рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Машинасозлик саноатининг асосий вазифаси миллий иқтисоднинг барча соҳаларини юқори унум билан ишлайдиган меҳнат қуроллари, яъни меҳнат воситалари билан таъминлашдан иборат. Улар турли тармоқлар ва корхоналарда тайёрланади. Ҳозирги кунда машинасозлик саноатининг 15 тармоғи мавжуд. Машинасозлик саноати - халқ хўжалиги учун машина ва механизмлар, жиҳозлар, агрегат ва аппаратлар, асбоб ускуналар, маданий-маиший моллар, шунингдек, муҳофаа аҳамиятига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи оғир саноат тармоқлари мажмуи ҳисобланади. Машинасозлик саноати бутун халқ хўжалигини техника билан таъминлашда моддий асос бўлиб ҳисобланади. Фан-техника тараққиёти, халқнинг моддий-маданий фаровонлиги ва мамалакат қуввати машинасозлик саноати тараққиётига боғлиқ. Унинг аҳамияти, энг аввало, ҳозирги фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга ва инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига жорий этиш асосида қўл меҳнатини машина меҳнатига айлантириш, тежамкорликни таъминлаш, меҳнатнинг мазмуни ва харақтирини

ўзгартиришдан иборат. Машинасозлик саноати маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини юқори даражага кўтаришга имконият яратади.

Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғи турли хил тармоқлар ва ишлаб чиқаришлардан ташкил топганлиги сабабли, мамлакатнинг деярли барча маъмурий-худудий бўлакларида ривожланган. Бундан фақат Навоий вилояти истисно, холос. Шунга карамасдан машинасозликнинг ҳиссаси Андижон вилояти (52,7%) ва Тошкент шаҳрида (23,7%) нисбатан юқори даражага эга. Қолган вилоятлар ва Қорақалпоғистонда тармоқ ҳиссаси 1,5 дан 8,4%гача боради.

Мустақиллик йилларида машинасозлик саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари кескин ўзгарди. Машинасозлик саноати таркибида металл ишлаш соҳаси ҳам мавжуд бўлиб, бу соҳа ўз навбатида, металл буюмлар тайёрлаш ҳамда машина ва асбоб-ускуналар ремонт тармоқларидан иборат. Ўзбекистон машинасозлигига автомобилсозлик, самолётсозлик, тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электро-техникасозлик, асбобсозлик ва кабелсозлик каби йирик тармоқлар киради. Машинасозлик ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳажми, асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати ва ходимларини сони жиҳатидан Ўзбекистон саноат тармоқлари орасида юқори ўринларда туради.

Автомобиль саноати – машинасозликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, унинг корхоналарида автомобиллар, тиркама (прицеп) ва ярим тиркама юк ташиш мосламалари, автомобилларга эҳтиёт қисмлар, агрегатлар ва бошқа эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, мотоцикллар, мотороллерлар, мопедлар, велосипед ишлаб чиқариш корхоналари ҳам автомобиль саноати таркибига киради.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги. 1931 йил «Тошқишлоқмаш» заводининг биринчи навбати ишга туширилди. Завод пахтачилик учун хилма-хил техника ишлаб чиқара бошлади. Ҳозирги пайтда бу тармоқ корхоналари қишлоқ хўжалиги учун машиналар тизимига тегишли барча

машина-механизмларни етарли даражада ишлаб чиқармоқда.

Пахта тозалаш саноати машинасозлиги «Ўзбекпахтамаш» бирлашмасида жамланган. Унинг таркибида Тошкент машинасозлик заводи (бош корхона), Андижон «Тождметалл» заводи ва Каттакўрғон «Пахтамаш», Чустдаги «Олмоспахтамаш» заводлари, Тошкент давлат махсус пахта тозалаш ускуналари конструкторлик бюrolари бор. Бу соҳанинг асосий маҳсулотлари – пахта тайёрлаш пунктлари, пахта тозалаш заводлари учун жами 50 хил дан ортиқ маҳсулот турларини ишлаб чиқаради.

Аҳолиси зич бўлган Андижон вилоятининг Асака шаҳрида Жанубий Корея билан ҳамкорликда енгил автомобиллар чиқарадиган йирик корхона бунёд этилди. Бу корхона 1996 йилдан бошлаб биринкетин «Дамас», «Тико», «Нексия», «Матиз» русумли қулай автомобилларни чиқара бошлади. Шундай қилиб, Ўзбекистон жаҳон миқёсида автомобиллар чиқараётган давлатларнинг 28 чиси бўлди. 1999 йил Самарқанд шаҳрида Туркиянинг «Кочхолдинг» компанияси билан биргаликда қурилган яна бир автомобил заводи ишга туширилди. Ушбу корхона автомобилсозлик соҳасидаги йирик корхоналар қаторига кирмайди. Аммо бу билан унинг моҳияти пасаймайди. Чунки бу корхонада чиқарилаётган ихчам ва қулай автобуслар йўловчилар ташишда жуда қўл келмоқда. Самарқандда бунёд этилган ушбу завод 1,5 тоннадан 8 тоннагача юк кўтарадиган юк машиналари ҳам ишлаб чиқаради. Тошкентда жаҳон авиация саноати андозалари бўйича йирик корхоналардан бири бўлиб ҳисобланган В.Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси жойлашган. Бу корхонада ишлаб чиқарилаётган қулай самолётлар жаҳоннинг қатор давлатларида хизмат қилмоқда.

Машинасозликни тармоқлараро мажмуа сифатида қаралишига сабаб, унинг таркибий жиҳатдан жуда мураккаб, кўп тармоқлардан ташкил топганлигидадир. Машинасозлик корхоналари турли омилларга кўра жойлаштирилади. Улар орасида хом ашё (металл), истеъмол, малакали ишчи ва иқтисодий географик ўрин асосий мавқеларни эгаллайди. Кўп металлни талаб қилувчи корхоналар қора металлургия районларига,

малакали кадрларга асосланган машинасозлик эса йирик, илмий-техника юқори даражада ривожланган шаҳарларда жойлашади.

Ўзбекистон Республикасида мазкур саноат таркиби асосан уруш йилларида фронт чизигидан кўчирилиб келтирилган заводлар, уларнинг асбоб-ускуналари негизида вужудга келди. Ҳозирги даврда республикада машинасозликнинг турли тармоқлари ва хусусан қишлоқ хўжалик машинасозлиги сезиларли даражада ривожланган. Тошкент, Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлик заводлари шулар жумласидандир. Бошқа соҳалар орасида текстил машинасозлиги, самолётсозлик, электр лампаси, кабел, трактор, трансформатор заводлари ажралиб туради. Йирик машинасозлик марказлари: Тошкент, Самарқанд, Андижон, Чирчиқ, Наманган, Навоий ва бошқалар. Аммо республикада ҳозирча замонавий машинасозлик яхши ривожланмаган, металлни қайта ишлаш, турли хил машиналарни таъмирлаш ва шунга ўхшаш "пассив" машинасозлик асосий ўринда турибди. Келажакда аниқ ва замонавий машинасозликнинг ривожланиш имкониятларини яратиш керак. Бунинг учун энг аввало маҳаллий аҳолидан юқори малакали ишчи кадрларни тайёрлаш лозим.

## 5. МАВЗУ: КИМЁ САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ

### Режа:

1. **Кимё саноати тармоқларининг шаклланиши**
2. **Кимё саноатининг асосий хом-ашёси.**
3. **Йирик саноат марказлари.**
4. **Кимё саноатининг экспорт имкониятлари.**

Кимё саноатининг шаклланиши 1932 йилда Шўрсув олтингугурт кони (Фарғона) ишга туширилиши билан бошланган. Бу корхона собиқ иттифокда ишлаб чиқариладиган олтингугуртнинг 57 фоизини берган. Кимё саноатининг энг йирик корхоналарига Чирчиқ электр кимё комбинати, Навоий кимё бирлашмаси ва Қўқон суперфосфат заводи киради.

Кимё ва нефткимё саноати хом ашё ресурсларига яқин ҳудудларда ҳам (асосий химия), улардан ўзок ҳудудларда ҳам ривожланган. Мазкур тармоқнинг улуши нисбатан катта эмас. У фақат Навоий, Жиззах, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида 7,4 дан 12,8% гача боради. Қолган вилоятларда унинг ҳиссаси 0,03 дан 3,8% га етади, холос.

Кимё саноатининг асосий тармоқларидан бири – бу минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасидир. Унда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган махсулотлар, жумладан азотли, фосфорли ўғитлар ва х.к.лар ишлаб чиқарилади. Чирчиқ кимё комбинити, Фарғона азотли ўғитлар, Навоий кимё бирлашмасида асосий турдаги азотли ўғитлар, Қўқон суперфосфат заводи, Самарқанд кимё заводи, Олмалиқ «Аммафос» бирлашмасида аммофос, оддий ва аммонийлашган суперфосфат, қумоқ аммоний каби фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон кимё саноати корхоналари бир йилда 736 минг тонна азотли, 117 минг тонна фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш имкониятига эга. Кимё саноатида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми республика қишлоқ хўжалик эҳтиёжларини тўла таъминлайди, уларнинг бир қисми четга



чиқарилади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида калий ўғитларга бўлган йиллик эҳтиёж асосланган меъёрлар бўйича 800 минг тоннадан иборат. Қашқадарё вилоятидаги калий тузлари конларини ўрганиш ва унинг негизида калий ўғитлар ишлаб чиқарадиган Тубагатон калий заводи қурилиши режалаштирилган.

Сульфат кислотаси кимё саноати тармоқлари учун муҳим хомашёдир. Республикада сульфат кислота ишлаб чиқарадиган йирик қувватлар Олмалик «Аммофос» бирлашмаси, Самарқанд кимё заводи, Навоий кон-металлургия комбинати, Муборак газни қайта ишлаш мажмуасида барпо этилган. Сода саноатининг Марказий Осиё мамлакатларида ягона бўлган корхонаси - Қўнғирот сода заводи ҳисобланади (йиллик лойиҳа қуввати 210 минг тонна сода).

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари «Фарғонаазот» бирлашмасида, Навоий кимё заводида ишлаб чиқарилади. Республика қишлоқ хўжалигида ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан кимёвий ҳимоя қилишда қўлланиладиган олтингугурт кукуни Шўрсув кон-кимё корхонасида ҳамда Муборак газ мажмуасида ишлаб чиқарилади.

Кимёвий толалар ва иплар хилма-хил халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида капролактан, Фарғона кимёвий толалар заводида ацитат иплар, «Навоийазот» бирлашмасида нитрон акрил толалари, «Фарғонаазот» бирлашмасида целлюлаза ацетати ишлаб чиқарилади. Фарғона фуран бирикмалари заводида целлюлаза мустақиллигини таъминлаш бўйича пахта линтидан йилига 30 минг тонна целлюлоза ишлаб чиқаришга ихтисослашган қувватлар барпо этилмоқда.

Кимё саноатида гидролиз корхоналари урушдан кейинги йиллардан қурила бошлади. Фарғона фуран бирикмалари, Янгийўл биокимё, Андижон гидролиз заводларида асосий хомашё – чигит шулхаси, шоли қобиғидан турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Андижон биокимё заводида, Қўқон ишлаб чиқариш бирлашмасида этил спирти ишлаб чиқарадиган янги

қувватлар ишга туширилди. Натижада озиқ-овқат, тиббиёт, атир-упа ва бошқа саноат тармоқларини республиканинг ўзида ишлаб чиқарилган спирт билан таъминлаш имконияти яратилди. Резина маҳсулотлари Ангрэн «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси ва Тошкент резинатехника маҳсулотлари заводида ишлаб чиқарилади. Илгари асосан махсус резина моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси 1987 йилдан бошлаб халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ўтди. 1992 йилдан бирлашмада енгил автомобил шиналари тайёрлаш ўзлаштирилди. 1996 йилдан йилига енгил автомобиллар учун ва юк автомобиллари учун шина ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилди. Бундан ташқари, «Ўзбекрезинатехника» бирлашмаси ва кимё саноатининг бошқа корхоналарида (Самарқанд кимё) калишлар ишлаб чиқарила бошланди. Шунингдек, бу тармоқ корхоналари республика автомобил саноати учун резина-техника маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

Республика пластмасса ва пропилен маҳсулотларини қайта ишловчи (Оҳангарон «Сантехлит», Жиззах пластмасса қувурлари заводи), турли маргадаги лак-бўёқ маҳсулотлари (Тошкент «Рангли лак» фирмаси-лак бўёқ заводи), мебел саноати учун синтетик смолалар (Фарғона фуран бирикмалари заводи), рўзғор кимёси маҳсулотлари («Ўзрўзғоркимё» бирлашмаси, Олмалиқ рўзғор кимёси заводи, Наманган кимё заводи), Тошкент ёғ-мой комбинати таркибида синтетик ювиш воситалари ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар ишлаб турибди. Йилига 125 минг тонна полиэтилен плёнкаси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилмоқда. Дори-дармонлар «Ўзкимёфарм» бирлашмаси (Тошкент кимё-фармацевтика заводи)да «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни корхоналарида ишлаб чиқарилади.

Истиқболда кимё саноатини ривожлантириш асосида энг муҳим хомашё турлари бўйича республиканинг мустақилликка эришиш, маҳаллий хомашёдан маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, чет мамлакатлардан олинаётган кимё маҳсулотларининг кўп қисмини, яъни

асосий турларини республикада ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш, хорижий технологиялардан фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, кимё саноатининг экспорт имкониятларини кенгайтириш йўналишларида иш олиб борилмоқда.

## **6. МАВЗУ: ҚУРИЛИШ ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ ИҚТИСОДИЁТИ**

### **Режа:**

- 1. Қурилиш, унинг халқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти**
- 2. Қурилиш материаллари саноати тармоқлари**
- 3. Қурилиш материаллари саноатининг асосий хом-ашёси**
- 4. Тармоқ жойлашган йирик марказлар**

Қурилиш республикадаги модий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Республика иқтисодиётида ялпи ижтимоий маҳсулот таркибида солиштирма ҳиссасига кўра саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин 3-ўринда туради. Ялпи ички маҳсулотнинг 7,8%и, халқ хўжалигида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг 10 фоиздан ортиғи қурилиш ишлари билан машғул.

Қурилиш халқ хўжалигининг барча тармоқларига хизмат кўрсатиб, асосий фондларнинг қайта такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни таъминлайди. Халқ хўжалигининг мақбул таркибини барпо этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш, республиканинг янги табиий бойликларини ўзлаштириш, бўш меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга ёрдам беради.

Турли хўжалик соҳалари алоқаларининг кучайишини тармоқлараро қурилиш саноати таъминлайди. Ҳозирда республикада қурилиш саноати қишлоқ хўжалиги ва транспорт тармоқлари сингари муҳим аҳамият касб этмоқда. Қурилиш саноати завод ва фабрикалар, кон-қарьерлар, канал-сув омборлари, йўл-туннеллар, муассаса-корхоналар, уй-жойлар ва ҳоказолар қуришни ўз ичига олади.

Қурилиш индустриясида йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталларидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Бино ва иншоотларнинг йирик қисмларини, уй пойдеворлари, девор панеллари, зинопоялар ва бошқаларни

завод усулида тайёрлайдиган янги тармоқлар пайдо бўлди.

Республика мустақилликка эришганидан сўнг капитал қурилиш янги дастур асосида давом эттирилди. Республика иқтисодиёти учун муҳим бўлган автомобиль, олтин қазиб олиш, нефть ва бошқа саноат тармоқларида янги корхоналарни қуриш бошланди. Барча вилоятларда саноат корхоналари, уй-жойлар, маданий-маиший бинолар, бозор ва садо расталари, ҳаммом, чойхона, касалхона, маҳалла марказлари, масжидлар қурилди. Капитал маблағларнинг 66,8%и ишлаб чиқариш, 33,2%и ноишлаб чиқариш объектлари йўналишда сарфланди. Қурилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Хорижий фирмалар билан ҳамкорликда Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида халқаро классдаги меҳмонхоналар қурилиши ва таъмирлаш ишлари бошланди.

Қурилиш саноати қурилиш ва доимий кадрлар билан иш кўради. Унинг маҳсулотлари битказилган ва фойдаланишга топширилган бино ва иншоотлардир. Қурилиш саноатининг маҳсулотлари саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ҳоқазоларга ҳамда уй-жой хўжалиги, маданий-маиший, маориф ва соғлиқни сақлаш муассасалари ривожланишга хизмат қилади.

Қурилиш моддий-техника базасининг муҳим таркибий қисмини қурилиш материаллари саноати ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси кўп тармоқли қурилиш материаллари саноатига эга. Цемент, асбест-цемент, деворбоп материаллар, юмшоқ ёпғич ва гидроизоляция материаллари, табиий тошлардан қоплама материаллар, норуда қурилиш материаллари, қурилиш керамикаси, иссиқлик изоляцияси материаллари, оҳак, гипс, боғловчи материаллар ва улардан буюмлар, санитария-гигиена жиҳозлари, полимер хом ашёдан қурилиш материаллари ва буюмлар, темир бетон конструкциялари ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари мавжуд. Тармоқ корхоналарида 100 дан ортиқ номдаги асосий маҳсулот турлари тайёрланди.

Қурилиш материаллари саноати тармоқлари юксак механизациялашган ва халқ хўжалигининг қурилиш материалларига бўлган талаби тўла

кондиради. Хорижий инвесторлар иштирокида янги кўшма корхоналар қурилмоқда, ишлаб турган корхоналар замонавий технология билан жиҳозланиб, кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистонда табиий хом ашёдан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, бинолар қурилишида хом ғишт, гувала, ёғоч синч, оддий тупроқдан тикланадиган пахса асрлар давомида асосий қурилиш материаллари бўлиб келган. Хумдонларда пиширилган ғишт, сопол, чинни кошин, ганч, йўнилган гранит, мрамр тошлар сарой, мадраса, масжид, работлар қурилишида кенг қўлланилган.

Цемент саноати. Республикадаги қурилиш индустриясининг биринчи корхонаси 1913 йил қурила бошлаган Хильково цемент заводидир. Республикада цементга эҳтиёж ошиб борганидан кейин 1932 йилда Қувасой цемент заводи ишга туширилди.

Республика цемент саноати тармоғида йилига 5 млн. т.дан кўпроқ цемент ишлаб чиқарадиган 5 йирик корхона ишлайди. Цементнинг ҳамма асосий турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Цемент корхоналарида шифер, абоцемент қувурлар, минерал пахта ва ундан тайёрланадиган буюмлар, цемент-қум черепицалари ва бошқа маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Тоштарошлик (тошга ишлов бериш). Табиий тошлар (мрамр ва гранит)дан ишланган қоплама материаллари ва банклар Марказий Осиё меъморчилигида кўп ишлатилган.

Қоплама тошлар захиралари, хилма-хиллиги ва ранги бўйича Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринда. Республикада 30 дан ортиқ мрамр, гранит, тровертин, туф ва бошқа жинслар конлари топилган. Республикада норуда ва қоплама материаллар тармоғида тошга ишлов беришадиган 19 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Деворбоп материаллар саноати соҳасида қурилишда ишлатиладиган оловбардош ва иморат ғиштининг асосий қисми Яланғоч 2-ғишт заводи,

Янгийўл 8-ғишт заводи ва бошқа заводларда чиқарилади. 1990 йиллар бошидан ғиштни янги технология асосида тайёрлаш бўйича экспериментал цехлар ишга туширилди.

Керамика саноати тармоқларида Ангрен керамика комбинати ва Тошкент қурилиш материаллари комбинатида барча турдаги сопол кошнлар, санитария-қурилиш фоянси, гипс, канализация қувурлари, малойиҳа буюмлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Шиша-ойна саноти соҳасида «Қувасойшиша» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ғазалкент шиша-ойна заводи ишлайди. Бу корхоналарда йўлига 212 млн. дона консерва шиша идишлари, 80 млн. дона бутилка, 2 млн.м<sup>2</sup> дераза ойнаси ишлаб чиқарилади.

## **7. МАВЗУ: ЕНГИЛ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ**

### **Режа:**

- 1. Енгил саноат тармоқлари таркиби ва асосий хом-ашё районлари**
- 2. Озиқ-овқат саноатининг анъанавий ва замонавий тармоқлари.**
- 3. Енгил ва озиқ-овқат тармоқларининг маҳаллий хом-ашёни қайта ишлашга асосланиши.**
- 4. Енгил ва озиқ-овқат тармоқларида қўшма корхоналар фаолияти.**

Ўзбекистан қайта ишловчи саноатнинг енгил ва озиқ-овқат тармоқлари яхши ривожланган жаҳон мамлакатлари қаторига киради. Ушбу икки тармоққа ялпи саноат маҳсулотининг салкам **35%**и тўғри келади. Мазкур кўрсаткич Бухоро (50%), Жиззах (70%), Наманган (75%), Сурхондарё (74%), Хоразм (67%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (40%) да ундан ҳам юқори даражаларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон енгил саноати кўп тармоқли индустриал комплекс бўлиб, унинг таркибида пахта тозалаш заводларидан ташқари, тўқимачилик, трикотаж, шойи тўқиш, тикувчилик, кўнпойабзал, гиламчилик, чинни-фаянс буюмлари ва атторлик моллари ишлаб чиқариш соҳаларида 150 та йирик ва ўрта корхоналар бор. Республика саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида енгил саноат ҳиссаси 20% ни ташкил этади. Енгил саноат тармоғининг энг муҳим соҳасидан бири бўлган пахта саноати корхоналарида ҳар йили 1,2 млн. тоннадан ортиқ пахта толаси, 100 минг тоннадан ортиқ линт, 22,5 минг тонна чигит, 200 минг тонна уруғлик чигит тайёрланади. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш мақсадида Россия, Италия, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Корея ва бошқа мамлакатлар фирмалари билан ип газламалар ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхоналар ташкил этилмоқда.

Енгил саноат пойдевори XX асрнинг 30-40 йилларида барпо этилган. Унинг асосини маҳаллий хом-ашё ресурсларида ишлаётган тўқимачилик



саноат корхоналари ташкил этади. Енгил саноат Ўзбекистонда нафақат саноат, балки жами иқтисодийнинг жуда муҳим тармоғи ҳисобланади. Ҳозирги кунда янги тармоқлар, маҳсулотлар пайдо бўлди. Бунда албатта тармоқларни маҳаллий хом-ашёга асосланиши, ишчи кучининг қадим-қадимлардан маълум касбий маҳоратга, малака ва кўникмаларга эгаллиги муҳим рол ўйнади. Енгил саноат корхоналари ва айрим тармоқларнинг жойлашиши хом ашё ресурсларига, малакали ишчи кучига, истеъмол омилига ёхуд бошқа шу каби омилларга боғлиқ ҳолда амалга ошган.

Енгил саноат аҳолини газламалар, кийим-кечак, пойафзал ва бошқа истеъмол товарларига бўлган тармоқлар гуруҳини бирлаштиради. Енгил саноат бошқа саноат тармоқлари каби шаклланиши ва ривожланишида маълум омилларга асосланади. Шуларнинг ичида меҳнат ресурслари алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки енгил саноат меҳнатни кўп талаб қилувчи тармоқлар қаторига киради. Бу тармоқда 300 мингга яқин ходим иш билан банд.

Ўзбекистан енгил саноати тўла тўқис маҳаллий хом ашёда - пахта толаси, пилла, жун, қорақўл териси ва бошқаларда ишлайди. Ундан ташқари тармоқда авлоддан авлодга касбининг сирларини бериб келаётган ишчи оилалари мавжуд. Бу айниқса шойи саноатида яққол кўзга ташланади.

Енгил саноатнинг асосий тармоқлари - туқимачилик саноати пахта толаси асосида фаолият кўрсатади. Ундан ташқари мамлакат экспорт салоҳиятида ҳам пахта толасининг ўрнини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Толанинг деярли 75 фоизи экспорт қилинади.

Маълумки, енгил саноатда бошқа саноат тармоқларида бўлгани каби "хом ашё" ёки "маҳсулот" мақомини олиш технологик занжирнинг поғонаси билан ўзвий боғланган.

Пахта тозалаш саноати енгил саноат тармоқлари орасида етакчи ўринда. Республика ривожланган ва замонавий технологияга эга бўлган пахта тозалаш саноатига эга. Пахта толаси 40 га яқин хорижий мамлакатларга, жумладан Буюк Британия, Бельгия, Жанубий Корея, Швейцария, АҚШ, Туркия ва бошқа мамлакатлардаги воситачи фирмалар

орқали экспорт қилинади.

Пахта тозалаш тармоғига тааллуқли корхоналарнинг барчаси хом ашё, пахта этиштириладиган худудларда тарқалган. Республика ривожланган пахта тозалаш саноатига эга. Унда қуввати юз минг тоннадан ортиқ пахта хом ашёсини қайта ишлайдиган заводлар билан бир қаторда қуввати 20 минг тоннага ҳам бормаидиган корхоналар ҳам фаолият кўрсатади. Йирик пахта тозалаш заводлари Қўқон, Қўргонтепа, Денов, Каттақўрғон, Гиждувон ва Қорақўл шаҳарларида жойлашган. Республикада қуввати 50 мингдан 100 минг тоннагача пахта хом ашёсини қайта ишлайдиган 3 та завод бўлиб, уларга Наманган шаҳри. Шаҳрисабз шаҳри ва Бухоро шаҳри киради. Ҳозирги вақтда пахта тозалаш саноатида янги техника, технология жадал суръатларда жорий этилмоқда. Хорижий мамлакатларнинг илғор технологиясини ўрганиш ва жорий этиш, тармоқ корхоналарида пахта толаси бўйича жаҳон стандартларига ўтиш учун АҚШ, Швейцария ва бошқа мамлакатлардаги фирмаларда ишлаб чиқарилган ускуналар ва технологияни қўллаш соҳасида халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Республика мустақилликка эришгандан кейин Туркия ва бошқа хорижий давлатлар фирмалари билан ҳамкорликда Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистонда пахтани қайта ишлашдан тайёр тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқаришга қадар жараёнлар қамраб олинган комбинатлар қуриш бошланди. Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа туманида Туркиянинг «Язекс» корпорацияси билан ҳамкорликда «Элтекс» комбинати ишга туширилди.

**Тўқимачилик саноати.** Ўзбекистонда тўқимачилик узоқ тарихга эга. Бу ерда тайёрланган газмоллар (атлас, бахмал, беқасам) ўрта асрларда буюк ипак йўли орқали Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларига чиқарилган. Лекин саноат усулида газламалар ишлаб чиқариш XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. 1930 йилда Фарғона ип йигириш-тўқиш фабрикаси ишга туширилди (ҳозир Фарғона Тўқимачилик комбинати). Тошкент тўқимачилик комбинати 1934 йилдан газлама ишлаб чиқара бошлади. Бухоро тўқимачилик

комбинати, Андижон ип-газлама комбинати, Поп нотўқима материаллар комбинати, Хива гилам комбинати куриб ишга туширилди. 80-йилларда йирик тўқимачилик корхоналарида бир қанча фирмалар очилди. Наманган нотўқима материаллар ишлаб чиқариш бирлашмаси, Поп, Балиқчи нотўқима материаллар фабрикалари ҳам ишга туширилган.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг асосий йуналишларидан бири жаҳон бозорида рақобатдош ип-газлама ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат. Шу мақсадда АҚШ, Италия, Покистон, Ҳиндистон, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар фирмалари билан ип-газлама ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхоналар ташкил этилди.

**Ипакчилик саноати**да ипак кимёвий ва аралаш иплардан маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда пиллакашлик қадим тарихга эга. Қадимдан Марғилон, Наманган, Қўқон, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд каби шаҳарлар Ўрта Осиёдаги шойи газламалар ишлаб чиқарувчи марказлар бўлган. Шойи газмоллар Яқин Шарк ва Европа мамлакатларига ҳам чиқарилган.

Шойи тўқиш саноати соҳасида Марғилон шойи комбинати, Марғилон «Атлас» ва Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмалари, Наманган абрли газламалар комбинати, Самарқанд шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қўқон шойи тўқиш фабрикаси, Шўрчи шойи тўқиш фабрикаси ва бошқалар ишламоқда. Бу корхоналар шойи газламалар турлари бўйича ихтисослашган. Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасида штапель, вискоза ва аралаш толалардан кийим-кечак тикиладиган газмоллар ишлаб чиқарилади. Самарқанд шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси тукли ва жаккард газламалар, Қўқон шойи тўқиш фабрикаси сунъий иплардан абрли газламалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

**Трикотаж саноати** республикада 30-40 йилларда шаклланди. 1939 йилда Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган. Қўқон пайпоқ фабрикаси ишга туширилди. Уруш йилларида Андижон ва Тошкент шаҳарларида трикотаж фабрикалари курилди. 50-60 йилларда Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Андижон шаҳарларида трикотаж кийимлар фабрикалари ишга туширилди.

XX асрнинг 80-90 йилларида трикотаж корхоналари янги ускуналар билан жихозланди, янги корхоналар қурилди, «Малика» бирлашмаси, Бухоро, Самарқанд трикотаж фабрикалари, Қўқон пайпок-тукув комбинати тубдан реконструкция қилинди.

**Тикувчилик саноати.** Ўзбекистонда энг биринчи тикувчилик корхонаси Тошкентда қурилган. XX асрнинг 20 йилларидан тикувчилик енгил саноатнинг йирик тармоғига айланди. 1926 йилда Тошкентда «Қизил тонг» тикув фабрикаси, кейинроқ Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қўқон, Урганч, Андижонда янги корхоналар қурилди. Уруш даврида Чирчиқ, Карши, Наманган шаҳарларида йирик тикувчилик фабрикалари ишга тушди.

1992 йил «Қизил тонг» фабрикаси хузурида устки кийимлар тикадиган «Ойдин-мониза» Ўзбекистон кўшма корхонаси ишга туширилди. Корхоналарда янги технологиялар тикиш ўрнига елим билан чоклаш ва янги материаллар ўзлаштирилмоқда. Республикада тикувчилар маҳсулотлари, айниқса миллий буюмлар ва кийим-кечак маҳаллий саноат корхоналарида ҳам ишлаб чиқарилади.

Кўн-пойафзал саноати маҳаллий хом ашё – хайвонлар терисидан юмшоқ ва қаттиқ чарм (табиий ва сунъий чарм)дан пояфзал, шунингдек, телпак, атторлик буюмлари, тўқимачилик ва бошқа машиналар учун деталлар ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистонда пояфзал тикиш ўз анъаналарига эга. Тошкентда 1927 йилда пояфзал фабрикаси ишга туширилди. 1935 йил Тошкентда яна бир пояфзал фабрикаси, кейинчалик Бухоро (1938), Самарқанд, Туртқўл, Термиз, Андижон, Қўқон, Чирчиқ, Наманган шаҳарларида пояфзал фабрикалари фойдаланишга топширилди. 1940 йилга келиб республикада кенг тармоқли пояфзал саноати вужудга келди.

Урушдан кейинги даврда Янгийўл пояфзал фабрикаси, Поп резина пояфзал фабрикаси ишга туширилди. Тошкент, Чирчиқ, Қўқон пояфзал фабрикалари кенгайтирилди ва қайта жихозланди, корхоналар маҳсулот турлари бўйича ихтисослашди. 1995 йил «Фарғонапояфзал» акциядорлар

жамияти билан Германиянинг «Саламандер» фирмаси иштирокида «Ўзсаламан» қўшма корхонаси маҳсулот чиқара бошлади (йиллик лойиха куввати 8 турдаги 500 минг жуфт эркаклар пойафзали).

Ўзбекистонда 2003 йилда 415,2 млн. кв.м га тенг ип газлама ишлаб чиқарилди. Ана шу маҳсулотнинг асосий қисми Бухоро, Фарғона ҳамда Тошкент, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри хиссаларига тўғри келади.

Ўзбекистонда енгил саноатининг ҳудудий таркиби такомиллаштиришга муҳтож. Бу ўринда Сирдарё ва Жиззах ҳамда бошқа баъзи-бир вилоятларда ип-газлама саноати корхоналарини барпо этиш мақсадга мувофиқ булар эди.

**Озиқ-овқат саноати.** Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги иқтисодиётида озиқ-овқат саноати энг муҳим мавқени эгаллайди. Саноатнинг бу тармоғи асосан хомашёни қайта ишлашга асосланган бўлиб, республика умумий саноати маҳсулоти ҳажмида озиқ-овқат саноати 1995 йилда 9,8%, 2010 йилда эса 12,3%ни ташкил этган. Озиқ-овқат саноати тармоғида гўшт-сут, ёғ-мой, балиқ маҳсулотлари, ун-ёрма, нон, макарон, мева-сабзавот консервалари, қандолат, чой қадоқлаш, узум ва шампан виноси, спирт, ароқ, тамаки, пиво, чанқоқбосар ичимликлар, совун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кўплаб саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Республика мустақилликка эришганидан сўнг озиқ-овқат саноатида чуқур ташкилий ва иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди. Кўпгина корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди. «Озиқовқатсаноат» давлат-акциядорлик концерни, «Ўзмева-сабзавот-холдинг» компанияси, «Ўзгўштсаноат» давлат-акциядорлик уюшмаси, «Ўздонмаҳсулот», «Ўзбалиқ» давлат-акциядорлик корпорациялари ташкил этилди.

## **8. МАВЗУ: НОИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

**Режа:**

- 1. Ноишлаб чиқариш тармоқларининг моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар фаолиятига қўшаётган хиссалари**
- 2. Ноишлаб чиқариш тармоқлари таркиби**
- 3. Ноишлаб чиқариш соҳаларининг ижтимоий меҳнат тақсимоти тизими ривожланишидаги ўрни**
- 4. Ноишлаб чиқариш тармоқларининг ўзига хос иқтисодий қонуниятлари**

Бозор иқтисодиёти шароитида ноишлаб чиқариш тармоқларининг моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар фаолиятига қўшаётган хиссалари юқори даражага қўтарилмоқда. Шунинг учун ҳам ноишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга жамиятнинг ҳаддан зиёд моддий, меҳнат ва молиявий ресурслари сарфланмоқда.

Ноишлаб чиқариш тармоқлари таълим, соғлиқни сақлаш, санъат ва маданият, илм-фан, жисмоний тарбия ва спорт, илмий изланишлар, давлат бошқаруви, муҳофаза, маиший хизмат каби соҳаларни қамраб оладики, буларсиз жамият тараққиётини тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки бу тармоқнинг умумий йўналиши инсон ва жамиятнинг ижтимоий, маънавий ривожланиши учун қаратилган.

Ноишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятининг тарихига мурожаат қилсак, дастлабки даврларда унинг инсоният тараққиётида эгаллаган улуши ниҳоятда озлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳозирда иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши, аҳоли ижтимоий ва маданий эҳтиёжининг ривожланиши ижтимоий меҳнат тақсимотида ноишлаб чиқариш соҳаларининг йирик тармоққа айланишига

сабаб бўлди. Ривожланган мамлакатларда ишга яроқли умумий аҳолининг ўртача 70 фоиздан ортиғи шу соҳаларда фаолият кўрсатади.

Ноишлаб чиқариш соҳаларининг пайдо бўлиши ва келажақда ривожланиши унинг ижтимоий меҳнат тақсимотидаги ўрнининг мустахкамлашиб боришида ва мамлакатнинг иқтисодий ўсишида сезиларли таъсир кўрсатади. Бу соҳаларнинг ихтисослашиши, йириклашиши, янги тармоқларнинг ташкил топиши иқтисодиётни бойитган ҳолда ишлаб чиқариш даражасининг ўсишини таъминламоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кундан бошлаб асосий эътибор ноишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга, шу соҳада ишлаётган ходимларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилди. Айниқса, ижтимоий-маданий, илм-фан, жисмоний тарбия ва спорт соҳалари юқори даражада ривожланмоқда. Мулк шаклининг ўзгариши ноишлаб чиқариш соҳаларида мулкка бўлган эскича қарашларни ўзгартириб, бошқарув харажатларининг камайишига олиб келмоқда, ижтимоий-маданий эҳтиёжни қондиришда иқтисодий асосни юзага келтирмоқда.

Ҳозирги шароитда ноишлаб чиқариш соҳалари ижтимоий меҳнат тақсимоти тизими ривожланишида асосий ўринни эгаллайди. Моддий ишлаб чиқарувчилар билан бўладиган иқтисодий алоқада ноишлаб чиқариш соҳаларининг ўз ўрни бор. Улар меҳнат фаолиятлари билан ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маҳсулотларини реализация қилишларида қатнашадилар.

Хизмат кўрсатиш соҳалари моддий ишлаб чиқариш билан боғлангандир. Моддий ишлаб чиқарувчилар хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнати эвазига ўз меҳнатлари маҳсулотини алмаштириш орқали соҳа ходимларини яшаш воситалари ва меҳнат фаолиятларини материаллар (асосий ноишлаб чиқариш жамғармалари) билан таъминлайдилар.

Ноишлаб чиқариш соҳалари хизмати моддий неъматлар ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий эҳтиёжи ҳисобланади. Такрор ишлаб чиқариш

нуктаи назаридан соҳага шахсий истеъмолнинг кўшилиши абсолют йўқ бўлиб кетишдан дарак бермайди. Хизмат кўрсатиш соҳалари шахсий истеъмолга қўшиладиган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг вужудга келишида объектив шароит яратиб беради. Чунки, бу соҳаларнинг баъзи тармоқлари хизмати ишчи кучи ишлаб чиқариш муомаласига киради ва ишлаб чиқариш жараёнида ишчилар томонидан такрор ишлаб чиқарилади.

Хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларининг моддий фаровонлигини таъминлаш ўз навбатида ишлаб чиқариш билан банд тармоқларнинг иш натижаларига чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга, халқ хўжалигининг бу икки гуруҳ тармоқлари орасида иқтисодий ва ноиқтисодий объектив алоқалар шаклланади. Улар бир-бирисиз ҳеч қачон яхши натижаларга эриша олмайди.

Иқтисодий алоқалар ўз моҳиятига кўра хизмат кўрсатиш соҳалари учун ноишлаб чиқариш истеъмоли алоқалари ҳисобланади. Улар, биринчидан, ноишлаб чиқариш соҳалари учун моддий фаровонликни иқтисодий алоқалар орқали истеъмолга етиб бориш жараёнида, иккинчидан, иқтисодий алоқалар ноишлаб чиқариш соҳалари хизматини ташкил қилишда кўринади.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб бораётган Ўзбекистонда ноишлаб чиқариш соҳаларида мулкчиликнинг турли шакллари намоён бўлмоқда. Булар хусусий, жамоа, ҳиссадорлик, кўшма ва давлат мулкчилигидир.

Меҳнат тақсимооти ҳам хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бунда ўзига хос иқтисодий қонуниятлар ҳаракат қилади. Хизмат кўрсатиш соҳалари моддий ишлаб чиқаришдан ўз мақсад ва вазифалари билан фарқ қилади. Ноишлаб чиқариш соҳаларида инсон билан табиат ўртасида унинг истеъмолини қондириш учун алмашинув рўй бермайди, аксинча, инсон ва унинг ижтимоий тараққиёти омилларига таъсир кўрсатилади. Соҳалар меҳнати хизмат шаклида амалга оширилади. У бир томондан ҳаракат сифатида меҳнат кўринишида, иккинчи томондан, самарали меҳнат фаолияти натижаси сифатида акс этади. Бу соҳалар хизмати



Ўзида номоддий хизматни ёки ноишлаб чиқариш хизматини мужассамлаштиради.

Номоддий хизмат билан бирга, моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ҳосил қиладиган хизмат турлари мавжуд.

Моддий хизмат - бу, муомала соҳасида ишлаб чиқаришни давом эттиришга йўналтириладиган хизматдир, яъни маҳсулотларни сақлаш, транспортларга юклаш, моддий ишлаб чиқариш маҳсулотининг дастлабки қийматини тиклаш ва янги истеъмол баҳоларини ишлаб чиқиш кабилардир. Моддий хизматларга савдо, умумий овқатланиш, транспорт ва алоқа, бундан ташқари, маиший, уй-жой хўжалиги хизматлари киради.

Ноишлаб чиқариш соҳалари хизмати, **биринчидан** ўзига хос иқтисодий қонуниятга эга: уларнинг қиймати бўлмайди, чунки қиймат яратиш учун моддий неъматлар барпо этилмайди, аксинча хизмат кўрсатилади.

**Иккинчидан**, хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнати моддий ишлаб чиқариш соҳалари меҳнатидан алоҳида томонлари билан фарқ қилади. Бу соҳалар ходимлари алоҳида одамлар билан мулоқотда бўладилар, ҳар хил тоифадаги ва ҳар хил диддаги одамларнинг сўровларига жавоб берадилар. Бу эса ходимлардан юксак сифатли касб маҳоратини талаб қилади.

**Учинчидан**, ноишлаб чиқариш соҳаларини жойлаштиришда табиат омили моддий ишлаб чиқариш соҳаларини жойлаштиришдаги каби аҳамиятга эга эмас. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг асосий ишлаб чиқариш фондлари моддий ишлаб чиқариш меҳнат воситаларига ташқи кўринишдан ўхшаши мумкин. Иқтисодий моҳияти эса бир-бирига ўхшамайдиган, чунки моддий ишлаб чиқаришда меҳнат воситалари ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга аста-секин ўтказиб бориб амортизация ажратмаси сифатида ўз қийматини тикласа, ижтимоий соҳада истеъмол натижасида меҳнат воситалари ўз қийматини йўқотади ва моддий ишлаб чиқариш соҳалари томонидан яратилган миллий даромад ҳисобига улар қайта тикланади.

**Тўртинчидан,** хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнатининг фақат оз миқдори механизациялаштирилади ва автоматлаштиради. Шунинг учун ҳам ижтимоий соҳа моддий ишлаб чиқариш соҳаларидан меҳнат сиғимини кўплиги билан фарқ қилади. Ижтимоий соҳада меҳнат ҳажмини кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш асосан меҳнат ресурсларини сонини кўпайтириш меҳнат ҳамда бошқаришни ташкил қилишнинг тараққийлашган усуллари қўллаш орқали амалга оширилади.

**Бешинчидан,** хизмат истеъмол предмети ҳисобланади. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаларининг хизмати асосан бепул кўрсатилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида республикамизда ижтимоий соҳада маълум хизмат турлари пуллик кўринишда амалга оширилмоқда, лекин бундай хизмат кўрсатишда ҳам маълум доирадаги ижтимоий муҳофазага муҳтож тоифадаги одамларга маълум енгиликлар берилмоқда. Бепул хизмат бу ижтимоий соҳанинг ижтимоий маданий (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва ҳ.к.) соҳалари хизматидир. Бу хизмат турларининг ривожланиши умумий истеъмол жамғармалари ҳисобидан олиб борилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида соғлиқни сақлаш, таълим, маданият соҳаларида ҳам ўз ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида бир қатор хизмат турлари пуллик хизмат кўринишида олиб борилмоқда. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни кенгайтириш товар массаси билан пул ресурсларини мувофиқлаштиришда асосий роль ўйнайди, чунки у аҳоли даромадларини мақсадли йўналтириш тармоқларини кенгайтиради. Ижтимоий соҳада пуллик хизматларни жорий қилиш ва уларни тижорат борасидаги фаолиятларини ривожлантириш бюджет тақчиллигининг олдини олиш имкониятини беради.

**Олтинчидан,** ижтимоий соҳа хизматида кенг халқ оммаси мурожаат қилишини, хизмат турларининг хилма-хиллигини кўрамыз. Шунинг учун ҳам баъзи ҳудудларда бу соҳаларнинг хизмат "кўчма" равишда, яъни ўзлари қатнаб хизмат кўрсатишга мослаштирилган. Ижтимоий соҳанинг хизмати бевосита инсон омили билан боғлиқ. Шу сабабли бу хизмат соҳаларига

тегишли муассасаларнинг ҳудудлараро жойлашиши кўп жиҳатдан демографик омилларга ва ишлаб чиқариш имкониятларига боғлиқ.

**Еттинчидан,** ноишлаб чиқариш соҳаларининг фаолият юритиши икки хил усулда молиялаштиради: бюджет ҳамда хўжалик ҳисоби асосида. Бюджет асосида молиялаштиришда хизмат кўрсатиш соҳалари ижтимоий-маданий тармоқларининг харажатлари бюджет восита-сида амалга оширилади. Бюджет асосида молиялаштиришда хизмат кўрсатиш соҳалари ижтимоий-маданий тармоқларининг харажатлари бюджет воситасида амалга оширилади. Товар-пул муносабатлари ноишлаб чиқариш соҳаларида чегараланган. Моддий ишлаб чиқаришга қараганда уларда туда хўжалик ҳисобида ишлаётган корхоналар сони анча кам. Лекин бу со-ҳада қисман хўжалик ҳисоби мавжуд (хизмат учун тўловлар ҳозир-ча барча харажатларни қопламаяпти) ва у бюджет томонидан молиялаштириш орқали тўддирилмоқда.

**Саккизинчидан,** хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларига иш ҳақини тўлашни ташкил қилиш ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ходимларнинг иш ҳақи манбалари бу соҳадан ташқари шакланади: моддий ишлаб чиқариш ходимлари яратган миллий даромад ҳисобига ижтимоий соҳа ходимларининг иш ҳақлари миллий даромаднинг турли қисмларида ташкил топади.

Хизмат кўрсаташ соҳалари ходимлари меҳнатига сон жиҳатидан баҳо бериш қийиндир, шунинг учун ҳам бу соҳа ходимларига иш ҳақи белгилашда меҳнат фаолияти самарасига, вазифа турига, маълумот даражасига ва меҳнат стажининг давомийлигига эътибор берилади.

**Тўққизинчидан,** ноишлаб чиқариш соҳалари хизматини баҳолашнинг ўзига хос алоҳида томонлари мавжуд. Бу соҳалар хизмати учун сарфланаётган харажатлар қиймат шаклида мужассамлашмайди, аксинча баҳо ўзига хос шундай шаклни оладики, бу шакл кўрсатилаётган хизматнинг умумий харажатларини ҳисобга олиш ва бошқариш вазифасини бажаради. Моддий ишлаб чиқаришдаги умумий зарурий харажатлар ва хизмат истеъмоли шартлари ноишлаб чиқариш соҳалари хизматининг

шаклланишига кучли таъсир кўрсатади.

Ноишлаб чиқариш соҳаларида хизматнинг истеъмол сифати, самарадорлиги ва кўпроқ унинг ижтимоий аҳамияти баҳолашнинг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

**Ўнинчидан**, хизмат кўрсатиш соҳаларида улар бажараётган ишлар самарадорлигини аниқлашда биринчи навбатда ижтимоий омилларга аҳамият берилади. Бу соҳаларда хўжалик фаолияти билан бўладиган боғланиш моддий ишлаб чиқаришга нисбатан кўпроқ ижтимоий жараёнга қаратилган бўлади. Бу соҳаларда ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари хўжалик натижаларига нисбатан олдинги навбатга кўйилади. Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳаларида иқтисодий қонунлар ҳаракатини, шунингдек, улар таъсирида фақат ноишлаб чиқариш соҳаларига алоқадор бўлган ўзига хос иқтисодий ўзгаришларни ўрганиш ноишлаб чиқариш соҳалари иқтисодининг асосий предмети ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳалари бозор иқтисодиёти даврида шу соҳалар шаҳобчаларини бошқариш назарияси асосини яратади. Шунингдек, хўжалик юритиш амалиётини жамлайди ва ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш билан бирга соҳанинг барча бўғинларида иш сифатини ошириш усуллари белгилайди.

Минтақавий иқтисодиёт ишлаб чиқариш алоқаларида ноишлаб чиқариш соҳаларининг ўзига хос ҳудудий томонларини ишлаб чиқариш кучлари ривожининг бир қисми сифатида ўрганади. Хизмат кўрсатиш соҳалари шу соҳа иқтисодий алоқалари шаклланишининг ҳудудий томонларини ўрганишга ва амалиётда улардан фойдаланишнинг ўзига хослигини таҳлил қилишга асосий эътиборни қаратади.

Ноишлаб чиқариш соҳалари шу соҳанинг бошқа тармоқлари - маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқаларга нисбатан умумий иқтисодиёт сифатида вужудга келади. Шунинг учун ҳам тармоқлар ривожланишининг иқтисодий қонуниятларини ўрганиш, хўжалик юритиш усуллари раціонал йўллари ишлаб чиқиш, бозор иқтисодиёти шароитида соҳанинг

хар бир тармоғи бўйича алоҳида иқтисодий йўналишларни белгилаш  
ноишлаб чиқариш соҳасининг предмети ҳисобланади.

**9. МАВЗУ: НОИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИНИНГ  
МАМЛАКАТ  
ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ**

**Режа:**

- 1. Ноишлаб чиқариш тармоқларининг халқ хўжалигида бажарадиган вазифасига кўра гуруҳларга бўлиниши**
- 2. Ноишлаб чиқариш ва моддий ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги узлуксиз боғлиқлик**
- 3. Хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари меҳнатининг ажралиб турадиган белгиси**
- 4. Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурда кўзда тутилган асосий вазифалар**

Ижтимоий ишлаб чиқариш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш бўғинларини умумлаштирган ягона халқ хўжалиги комплекси иккита йирик тармоқдан: моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларидан иборат. Шунинг учун ҳам халқ хўжалиги икки соҳа кўриниши билан чегараланади. Моддий ишлаб чиқаришга тарихан ва мантиқан қарайдиган бўлсак, моддий неъматлар яратиш инсоният тараққиётида асосий омил ҳисобланади. Алоҳида ноишлаб чиқариш турлари фаолиятининг ажралиб чиқиши эса ишлаб чиқариш кучлари даражасининг ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг бошланғич шаклидир.

Моддий ишлаб чиқаришда хизмат кўрсатиш соҳалари таркиби ва алоҳда чегараси аниқланади. Моддий ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган соҳалар ва фаолият турларининг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш натижасида ажралиб чиқиши билан моддий ишлаб чиқаришда уларнинг аҳамияти ва ўрни мантиқан асосланади. Моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги амалий вазифаларни ечишдаги чегарани аниқлаш жуда ҳам қийин, чунки улар ўртасида узлуксиз боғлиқлик бор.

Моддий ишлаб чиқаришнинг технологияси, меҳнат натижаларини моддийлаштириш, такрор ишлаб чиқариш унинг ўзига хос белгиларидандир. Лекин булар бир томонлама бўлгани учун ҳам моддий ишлаб чиқаришга тўлиқ тавсиф бера олмайди. Хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари меҳнатининг ажралиб турадиган белгиси - бу, шу соҳа хизматини факат инсон учун, унинг камол топишига, маънавий эҳтиёжларининг қондирилишига ва қолган барча фаолиятининг амалга оширилишига йўналтирилганлигидир.

Ноишлаб чиқариш тармоқлари халқ хўжалигида бажарадиган вазифасига қараб уч гуруҳга бўлинади:

**Биринчи гуруҳга** ишлаб чиқаришдан бевосита ташқарида моддий ва номоддий фаровонликни қайта ишлаб чиқаришни амалга оширувчи тармоқлар киради. Тармоқларнинг ривожланиши ижтимоий ишлаб чиқариш шартлари ва хажмига боғлиқ. Бу фаолият маҳсулот шаклининг ўзгаришига, сақланишига ёки етказиб берилишига таъсир кўрсатмаслигини эътиборга оладиган бўлсак, у моддий ишлаб чиқариш соҳаси ҳисобланмайди. Лекин, бу соҳа маҳсулот ҳаракати билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, бу фаолият ноишлаб чиқариш соҳасида алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Бу гуруҳга ноишлаб чиқариш соҳаси моддий-техника таъминотининг бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган қуйидаги соҳалари киради:

- уй-жой хўжалиги;
- фан ва фан соҳасининг бир қатор ташкилотларини такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳалари, яъни конструкторлик ва лойиха ташкилотлари;
- синов базалари;
- саноат маҳсулоти ишлаб чиқармайдиган тажриба заводлари;
- кредит ва давлат суғуртаси;
- ноишлаб чиқариш соҳаларига хизмат кўрсатувчи транспорт ва алоқа;
- сув хўжалиги ва табиий бойликлар, геология ва қидирув ишлари.

Биринчи гуруҳ иккита кичик гуруҳдан ташкил топади:

- а) товар ва хизматлар ҳаракати;
- б) сотиш, пул муомаласи жараёнлари.

Бу тармоқ ходимларининг фаолияти моддий ишлаб чиқаришга яқин туради ва такрор ишлаб чиқаришнинг бир қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида ноишлаб чиқариш соҳасининг муҳим тармоқларидан бири бўлган турар-жой шароитларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

**Иккинчи гуруҳга** тааллуқли тармоқнинг фаолияти бевосита инсон қобилиятини оширишга, саломатлигини сақлашга, маънавий ва маданий эҳтиёжини шакллантиришга ва қондиришга шунингдек, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга қаратилган. Шунинг учун бу гуруҳ «номоддий ишлаб чиқаришни ташкил этади ва унинг ходимлари аҳолига ижтимоий-маданий, маиший хизматлар кўрсатадилар. Бу тармоқнинг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турларини йўловчи ташиш транспорти, алоқа хизмати, таълим тизими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, туризм, санъат ва маданият каби соҳалар ташкил қилади.

Мустақиллик йилларида тармоқнинг таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилди. Республикада ёшларга таълим-тарбия олишлари учун ижтимоий кафолатлар ва кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга кўмаклашиш учун жойлардаги мавжуд ўқув юртлари фаолияти тубдан ўзгартирилди. Ҳар бир туманда тадбиркорлик бўйича ўқув марказлари, касблар бўйича лицейлар, бизнес-мактаблар, кичик бизнес ва фермер хўжаликлари ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун кадрлар тайёрлаш бўйича коллежлар ташкил этилмоқда. Халқаро ҳамкорлик кенгайиб бораётганлиги натижасида ўқувчиларнинг хорижий мамлакатлардаги нуфузли олий ўқув юртларида таълим олишлари учун имкониятлар яратилди.

Республикада кенг миқёсда ривожланган соғлиқни сақлаш тизими



мавжуд бўлиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг барча шаклларида фаолият олиб борилади. Тиббий хизмат кўрсатишнинг янги-янги шакллари - кундузги стационарлар, уйда хизмат кўрсатиладиган стационарлар, амбулатория-жарроҳлик марказлари жорий этилган. Хўжалик ҳисоби тамойиллари асосида ишлайдиган муассасалар, тиббиёт кооперативлари, индивидуал хусусий шифокорлик амалиёти, дори-дармонлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар тармоғи ривожланиб бормоқда. Дорихоналарни хусусийлаштириш ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш йўли билан мазкур тармоқнинг моддий-техника таъминотиغا боғлиқ бўлган тадбирлар амалга оширилди.

Хизмат кўрсатиш соҳаларининг **учинчи тармоқ** гуруҳига бевосита жамиятнинг умумдавлат тизими билан боғлиқ соҳалар киради ва улар аҳолининг бошқаришга бўлган ижтимоий эҳтиёжини, давлат хавфсизлигини, ижтимоий мулкни мустахкамлаш ва уни кўриқлашга бўлган талабни қондиради.

Ноишлаб чиқариш соҳалари аҳолининг шахсий эҳтиёжини қондириш ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш орқали унга соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, туризм, санъат ва маданият, таълим хизматларини кўрсатади, такрор ишлаб чиқаришни меъёрида ўтказиш учун шароит яратади, илмий хизматни, бошқаришни олиб боради, ижтимоий мулкни мустахкамлайди ва кўриқлайди.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиб борар экан, ҳукуватимиз асосий эътиборни ноишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга қаратмоқда, чунки бу соҳаларни тараққий эттирмай туриб, ривожланган бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди. Бунга мисоллар тариқасида республикамызда «Соғлом авлод учун» орденининг жорий қилиниши ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари иш ҳақларини доимий равишда ошириб келинаётганини, ёшларининг билим даражаларини ошириш учун имкониятлар яратилаётганини, жисмоний тарбия ва спортга эътибор кучайтирилаётганини кўрсатишимиз мумкин.

Мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг тақдирида, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида, буюк давлатни барпо этишда замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

1997 йилда кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастурда:

- бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ўқув юртларини янги йўналишга солиш ҳамда янги шароитлар ва замонавий технологияларда ишлай оладиган мутахассислар тайёрлаш учун янги ўқув юртлари, энг аввало, техник коллежлар, бизнес мактаблари ва махсус ўқув юртлари ташкил этиш йўли билан тузилма янгиланишларини амалга ошириш;
- ўқув-тарбия жараёни сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим, замонавий педагогика ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усулларини жорий этиш;
- ўқув юртлари тузилмаларини такомиллаштириш, хусусан тўққизинчи синфни битирувчилар учун тадбиркорлик фаолияти асослари, иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар дарслари киритилган махсус таълим муассасаларини барпо этиш ҳамда уларнинг тармоғини кенгайтириш;
- ёшларга мафкура асосида миллий уйғониш ва умуминсоний қадриятларни ҳурматлашни ўргатиш, Ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллик тимсолларига садоқат руҳида таълим-тарбия бериш;
- ёшлар билан мунтазам равишда тинимсиз ишлаш, иқтидорли болаларни қидириб топиш, уларнинг энг яхши хорижий ўқув марказларида профессионал таълим олиши учун шароит яратиш;
- Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжига мос келадиган, юксак малакали хорижий мутахассислар билан рақобат қилаоладиган кадрлар салоҳиятини юзага чиқариш ва уни ривожлантириш;
- таълим муассасаларининг моддий техника базасини янги ўқув адабиётлари, замонавий жиҳозлар ва компьютер техникаси билан

мустахкамлаш;

- педагогика касбига хурматни ошириш, педагог ва мураббийлар меҳнатига қизиқишни кучайтириш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий шароитлар яратиш кўзда тутилган.